

ШЕЪРИЯТДАГИ РАМЗЛАР ТАСНИФИ МУАММОСИ

Усманова Хумора Аҳмаджоновна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

“Жаҳон тиллари ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек шеъриятида қўлланилган рамзларнинг таснифи, уларнинг муаммолари ҳақида фикр билдирилган.

Шу қаторда, шеърият асосида қилинган ҳар бир тадқиқотнинг ўзига хос услублари, ҳар бир тадқиқотчи ҳамда тадқиқотнинг ўз йўналишлари мавжудлиги ўрганилиши ёритиб берилган, ҳамда ўзбек шеъриятида қўлланилган рамзларнинг қўлланилиши, уларнинг мазмун моҳиятининг муаммоларини таҳлил қилган ҳолда ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: рамз, шеърият, тасниф, адабиётшунослик, ижод, тадқиқот, объект, тадриж, лингвопоэтика, бадий адабиёт, рамзлар тили, шеърият объекти, шеърнинг мазмуни.

АННОТАЦИЯ

В статье описывается классификация символов, используемых в узбекской поэзии, и их проблемы.

Кроме того, освещаются специфические методы каждого исследования на основе поэзии, наличие у каждого исследователя и собственных направлений исследований, а также использование символов, используемых в узбекской поэзии, и проблемы их содержания.

Ключевые слова: символ, поэзия, классификация, литературоведение, творчество, исследование, объект, изучение, лингвопоэтика, художественная литература, язык символов, объект поэзии, содержание стихотворения.

ANNOTATION

The article describes the classification of symbols used in Uzbek poetry and their problems. In addition, the specific methods of each research based on poetry, the existence of each researcher and their own directions of research, as well as

the use of symbols used in Uzbek poetry and the problems of their content are highlighted.

Key words: symbol, poetry, classification, literary studies, creativity, research, object, study, linguopoetics, fiction, language of symbols, object of poetry, content of the poem.

Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида шеъриятдаги долзарб вазифалардан бири рамзлар таснифи билан боғлиқ. Дарҳақиқат, шеъриятда ушбу муаммони ўрганиш муайян давр поэзиясининг адабий эстетик қийматини белгилашда ҳам аҳамиятлидир. Шеъриятда юзага келган янги маънавий муҳит ижодкорлар дунёқарашида ўзгаришлар ясади. Бу ҳолат эса ўз навбатида адабиёт ва шеъриятга бўлган муносабатнинг янгиланиб, бадиий тафаккурда муайян ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлди. Бугунги ижод ва эхтиросга ундайдиган ижтимоий тамойиллар, ҳаёт ҳақиқатлари ўзгарди, шу тариқа шеъриятда табиий янгиланиш жараёни юз берди. Янги ўзбек шеъриятида ўзининг самимий тили ўйноқи ва маҳзун, шиддатли ва сокин оҳанглари билан бадиий тафаккуримиз миқёсини кенгайтираётган ва ҳозирги ўзбек шеъриятида ўз услуби, таафаккури ва қарашлари билан анъанавий дунёқарашимизга ўзгариш киритган айрим шоирлар ижоди тадқиқот асосини ташкил этади. [1, 46] “Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон: “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди” [2]

Ҳозирги ўзбек шеъриятининг табиати юзасидан бир қанча илмий ишлар амалга оширилган [3]. Катта авлодга мансуб О. Шарафиддинов, У. Норматов, Б. Назаров, Н. Каримов, Б. Акрамов А. Расулов, И.Ғафуров, Н. Раҳимжонов, Қ.Йўлдошев каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ўзбек шеъриятининг хос хусусиятларига доир қарашлар бор. Шунингдек, Д. Қуронов, Н.Жабборов, У. Ҳамдамов, У. Жўрақулов, С. Мелиев, А. Улуғов, М. Олимов каби адабиётшунос олимларнинг қатор илмий тадқиқот ва монографияларида замонавий ўзбек шеъриятининг айрим масалалари муҳокама этилган. Айни вақтда ўзбек шеъриятда рамзлар, уларнинг таснифи, шунингдек уларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўзига

хослигини, кенг планда махсус ўрганилмаган. Шу сабабли ўзбек шеъриятидаги рамзларнинг ўзига хослик, уларнинг тилдаги хусусиятлари, бадий тафаккур тадрижи, тимсол ва рамзлар оламининг ўзгариши, инсон, ҳаёт, жамият ва борлиққа нисбатан қарашлари масалаларини ёритиш ушбу тадқиқотнинг олдида қўйилган асосий вазифаси ҳисобланади.

Шеърият – бир дунё. Унинг марказида инсон туради. Шеърият халқ тафаккуридан, миллатнинг минг йиллардан бери давом этиб келаётган маънавий-адабий булоқларидан тўйинади. Шеърият дўмбира овозидан, карнай-сурнайлар садосидан дунёга келади. Халқ сайлларида, турли тўй-байрамларда халқнинг қалби аксланади. Шеър эса ижодкорининг миллат дардига яқин ёки узоқлигини ана шундай бадий ифодалари билан англатади. [4,116]

Ҳар бир давр бошқа даврлардан ўзининг муайян сиёсий-ижтимоий-психологик кайфияти билан фарқ қилади. Шеър, умуман, ҳар қандай санъат асари, ана шу муҳит - кайфиятдан ўсиб чиқади ва биринчи галда ўз даврининг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига хизмат қилади. Лекин буни бадий асарни муайян бир даврга боғлаб қуйиш деб тушунмаслик лозим, чунки бадий асар ўзининг образлилиги, маъно хусусиятларининг кўп қатламлилиги боис бошқа замонлар истеъмолига ҳам кириб бораверади. Шу жиҳатдан қаралса, сўз санъатининг тадрижи, аввало, мазмундаги ўзгаришлар билан характерланади, зеро, ҳар бир авлод ўзига мерос анъаналарни, аввало, мазмунан бойитади. Мазкур қонуниятнинг тағзаминида эса ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва шу ўзгаришлар натижаси улароқ воқе бўлган янги сиёсий ижтимоий-маънавий кайфият ётади. [5,116]

Бадий адабиёт, шеърият рамзлар тили. Тарихдан маълумки, инсоният яратган моддий ва маънавий маданият яхлит бир бутунликни ташкил этса, дин, тарих, фалсафа, қадриятлар, урф-одат ва маросимлар шу муаззам дарахтнинг шохлари, халқнинг ижоди, дунёқараши ва фикрий кашфиётлари эса унинг илдизидир. Қолаверса, ҳар бир халқнинг бошқа бир халқдан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари нодир дурдоналари шеър орқали, яъни шеърият орқали инсонлар қалбидан жой олиб келган.

Шунингдек, шеърий мисраларда муайян халқнинг турмуш тарзи, этник тарихи, урф-одатлари, эътиқоди, унинг ўтмиши бутун ўзлиги билан намоён бўлади. Ҳар бир даврнинг ўзига яраша шеърий қатламлари, у

катламларда рамзий ифодаланиш мавжуддир.

Шеърият инсоннинг барча мураккабликларини ўзида жамлаган шундай объектдир-ки, уни тадқиқ этиш орқали биз инсонга янада яқин борамиз. Унинг ҳар бир мисрасида ёки бўлмасам асосий объект қилиб олган рамзийлик ўз-ўзидан мажосий маънодаги фикр-мулоҳазалар ёртилиб берилади.

Тадқиқотчи олим Улуғбек Ҳамдам ўзининг „Янги ўзбек шеърияти“ номли монографиясида шеъриятга қуйидагича изоҳ беради.

Биринчидан, шеърият ижтимоий ҳодиса сифатида инсоннинг руҳий моҳиятидан ибтидо олади. Шу маънода одамзоднинг ҳозирги ҳолга келиши, яъни инсоннинг инсонга айланиши фақат ташки омил - ташқи шарт-шароитларгагина боғлиқ жараён бўлмай, айти пайтда ички омил - инсоннинг зоти билан, унга жойлашган руҳий моҳиятнинг ижтимоийлик шаклида намоён бўлиши билан ҳам боғлиқдир. Яъни ижтимоийлик ташқаридан ёпиштирилган ёрлик эмас, балки инсоннинг қонида мавжуд моҳият бўлиб, унинг узок эволюцион йўлни босиб ўтиши натижасида башарият бугунги тамаддунни қўлга киритди. Шеърият эса ана шу моҳиятнинг намоён бўлиш шаклларида биридир;

Иккинчидан, ҳар қандай яхши шеър марказида ўзининг қувонч ва ташвиши, орзу ва армони билан Инсон туради. Шеър худди шу инсондан, унинг табиати, мақсад ва интилишлари, янада туғриси, инсон ҳақидаги тасаввурдан келиб чиқиб тушунилади. Инсон туғрисидаги тасаввурлар эса кўп жиҳатдан у ёки бу дунёқарашга асосланган олимларнинг методологиясидан сув ичади. Ўз навбатида, бу методологияларнинг аксари инсонни ё материалистик ёхуд идеалистик нуктаи назардан талқин этишга мойил бўлади. Яъни уларнинг бири инсон ижтимоий „хайвон“ деса, бошқаси унинг биологик асосига кўпроқ эътибор беради, учинчиси эса инсонга руҳий мавжудот сифатида қарайди ва шу асосда ўз назарияларини яратишади. Ҳақиқатда эса инсон (хоҳ ҳаётдаги ва хоҳ шеъриятдаги бўлсин) ҳақида фикр юритганда ундаги ҳамма жиҳатларни - ижтимоий, биологик ва руҳий ибтидоларни бирликда олиш зарур ва шундай қилингандагина инсонга, унинг моҳиятига яқинроқ бориш мумкин бўлади;

Учинчидан, инсон моҳияти турли даврлар шеъриятида турлича жило беради. Чунки ҳар бир давр алоҳида спецификага эга ижтимоий-психологик муҳит сифатида инсонга - шоирга ўз таъсирини ўтказди ва бу таъсир шоир орқали шеърга киради. Шу тариқа шеърият шоир томонидан тақлиф этилган давр сийратини акс эттирувчи кузгуга айланади. [6,356]

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда айтиш мумкин-ки, шеърият идеал масала, у ўз даврига қараб ўзгариб боради. Ҳар бир даврнинг шеърияти бўлгани каби, шоирлари ҳам бўлади. Ҳар бир давр шоирларининг ўзига яраша қарашлари, рамзий объектлари мавжуддир ва улар турли таснифларга эгадирлар. Ҳар бир соҳада муаммо бўлганидек, рамзлар таснифида ҳам муаммолар мавжуддир.

Ҳар бир шоир ўз замони, даврига боғлаган ҳолда шеърий мисраларини мажосий маънода ёки бўлмаса бирон-бир объектни рамзий маънода ифодалайди. Улар эса ўз навбатида бир қанча таснифларга бўлинади, яъниким, шеъриятда ифода этилаётган объект тил орқали рамзлар ҳамда рамзий белгилар орқали китобхонга етказиб берилади.

Бадий адабиёт рамзлар тили, эзгулик ва қабоҳатнинг мангу жангу жанггоҳи, инсон қалбидаги чексиз изтиробларини тасвирлаши билан одамларни ҳар доим ўзига тортиб келган. Шу алфозда, рамзларни таснифлаш мантиқий амал бўлиб, унинг воситасида шеъриятдаги рамзларни тўплаган ҳолда қатъий тартибга солинади. Тасниф натижасида шеъриятдаги объект муҳим аҳамият касб этади ва тилда ўз ўрнини эгаллаган ҳолда шеърнинг мазмун моҳиятини яққол ёритиб беради.

Ҳар бир даврнинг Аҳмад яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Чўлпон сингари етук шоирлари бўлади. Замондош шоирлар, аҳли ижод улар эришган тафаккур миқёсларига қараб интилан, улардан андоза олган. Шоир шеъриятининг асосини белгиловчи омиллар, бу – ҳаёлотнинг бойлиги, тафаккурнинг теранлиги, фалсафий мулоҳазаларнинг ҳаётий хулоса ва сабоқларга йўғрилганлигидир. Бу лирик қаҳрамон учун мужмал хис-туйғулар ёт, майда гапла бегона. Поэтик гоё фикри ва туйғу синтезининг энг авж нуқталари орқали ривожланади, муайян мазмун ва шакл бирлигини юзага келтиради.

Шоир шеъриятининг бетакрор, оригиналлиги шундаки, у қайси мавзуда ёзмасин – ўша масаланинг янги бир қиррасини очишга эришади. [7]

Масалан, шеъриятда ҳар бир шоирнинг лирикасида ой, олма, бургут, ёмғир, бодом, қамар, булут, чакмоқ, гул, том, рўмол ва ҳақозолар жуда кўп

поэтик талқинларга тортилган рамзлари мажоз вазифаларини ўтаган, рамзлар билан бир қаторда табиатдаги ҳар бир ҳодиса ва деталдан рамзий тасвир учун фойдаланилган. Бунда у ёки бу нарсаси тасвир жараёнида ёзувчи мақсадига хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади. Шунингдек улар масалларда ўзига хос образ бўлиб келган.

Бундан ҳолатларни шеърлар мисолида кўриш мумкин.

Манзар Абдулхайр ўзининг „Маъно ва тимсоллар сири“ мақоласида мутаффакир Алишер Навоий шеърлятида доим шакл ва мазмун мутаносиблиги бир меъёрга бўлганлиги, мумтоз шеърлятдаги бундай бениҳоя гўзаллик мукамаллик, шаклий-маънавий мувозанат фақат Навоий шеърлятига хос эканлигини таъкидлаб ўтган. Зотан, мумтоз шеърлятда маъно ва шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, тасаввуф шеърлятида „соқий“, „муғбача“, „майпараст“, „қадах“ ва „май“ каби поэтик тимсол, ирфоний рамзлар гўё тасаввуфнинг тамал тошидек бўлиб қолган. Қолаверса, бундай поэтик тимсоллар кўп маротаба тадқиқот манбаи бўлган. [8,199 б]

Навоий шеърлятининг руҳонияти ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш лозим; янгича тадқиқ усул ва йўллари жорий этишга уриниш керак; Навоий шеърлярида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий қатламлари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний қатламларини очиш лозим. БУни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юқорида қайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеърдан тасаввурий моҳият излаш ва уларни атайин тасаввуфлаштириш тамоман номақбул ишдир. Айни пайтда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Навоийнинг аксарият шеърлярида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилоҳ ва тимсоли эркин ўрин эгаллаган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Фақат севги-муҳаббат эмас, ахлоқ-одоб, рух, тафаккур. Маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёқарашини машъалдай ёритиб турган. [9,86]

Навоий шеърлятида бадий ғояни ифодаловчи ҳам рамзий, ҳам тасаввуфий маъно ташувчи шеърый образлар қаторида бодом тимсолини санаб ўтиш мумкин. Бу айниқса, образли шаклларда ўз ифодасини топган. Зеро, „шеърнинг руҳий ва ғоявий қудрати образда марказлаштирилади. Сеҳри ва маъно қатламлари ҳам образ бағрида яширингандир“. Шунга

кўра, шоир шеърлярида қўлланган бодом – поэтик образ, ирфоний рамз ҳисобланади:

*Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиқ кўзу қош.*

Байтда қўлланган „бодом“, „гўшаи меҳроб“ – поэтик тимсол, сўфиёна рамз. Бодом – қатоатнинг зайли, поклик. Зотан, тасаккурнинг туб моҳияти ҳам сабр, қаноат, покликдир. Гўшаи меҳроб – ҳоли жой, меҳроб бурчаги, масжидда имом турадиган энг муқаддас жой. Шунингдек, „гўшаи меҳроб“ (ёрнинг қайрилма қоши) мажозий маънода ошиқ кўнгилнинг маскани – пок ишқ, илоҳий муҳаббат. [10,166]

Улуғ мутасаввиф Мавлоно Румий „Инсон ҳаёлидаги нарса уни ўз орқасидан етаклайди. Масалан, боғ ҳаёли боққа, дўкон ҳаёли дўконга олиб боради“ [11,166]деб айтади. Мавлоно Румий айтган ҳаёл, рамзийлик бўлиб, ғояни ифода этган. Чўлпоннинг озолик йулида ёзилган шеърларида ҳам юқорида билдирилган рамзийликни кўриш мумкин.

Бинафша, сенмисан, бинафша, сенми –

Кучада оқчага сотилган?

Бинафша, менманми, бинафша, менми –

Севгингга, қайгингга тугилган.

Бинафша, нимага бир озроқ очилмай,

Бир эркин кулмасдан узилдинг,

Бинафша, нимага ҳидларинг сочилмай,

Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бир қарашда сўз бинафша – бир чечак ҳақида кетаётгандек. Тўғри, шеърнинг юзадаги – биринчи қатламидаги маъно айнан озроқ очилмай узилиб, кўчада сотилган гул тўғрисида. Лекин шоирнинг асл муроди шугинани тасвирлашдан иборат эмас. Балки гул билан боғлиқ ғояни рамз ҳолига келтириб, асл – ички муддаони айтишдир. Ички муддао бу – эрксиз, хор-зор бўлиб кўчаларда қолган инсон ҳолининг баёни. Бинафшага мурожаат қилган шоирнинг кўнгил кўзи бенаво юрт кишисининг оқчага сотилган гул каби аччиқ қисматида. Қолаверса, шу дардни бутун борлигида ҳис қилиб қуяётган шоирнинг ўз тақдирида ҳам бор. “Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери, Қайғингни қайғимга қўшгил”. Демак, шоирнинг-да қисмати бинафшаникига монанд. Ахир, “қайғингни қайғимга қўшгил” ҳитоби бежиз айтилмаяпти. Чунки шоир шу гулни, гул тимсолидаги юрт кишилари чексиз муҳаббат билан севади. Шу туйғу

туфайли бинафшанинг бошига келган ҳар кўргилик шоирнинг қайғусидир. [12,466] Шу ўринда айтиш жоизки, шоирнинг шеъриятида асосий объект бинафша бўлсада, рамзийлик озодлик, эркинлик мавзусига қаратилган. Ўзбек шеърлятида ўзининг шеърлари билан ном таратган Зафар Диёр ижодидаги „Бинафша“ шеърда бинафшани шоир баҳор элчиси мисолида фикр билдирган.

Инакқанот капалак

Барглари кучади.

Сени мақтаб куйлайди,

Бог айланиб қушчалар.

Дарак бериб баҳордан,

Қувонтирдинг шунчалар.

Бинафшахон, бинафша

Кулишларинг чиройли.

Кўксимда ҳид сочиб

Туришларинг чиройли! [13]

Рауф Парфи тахаллуси билан ижод қилган халқ шоири Турсунали Парфиев ўзининг илк шеърларидан эътиборан эрк истаги ва озодлик руҳи, жамиятдаги зулмга, ижтимоий адолатсизликка, тенгсизликка, ноҳақликка ққарши исён ғоялари етакчилик қилади. Шоирнинг 70-йиллар бошида куртак ёзган, куч кўрсатган рух эркинлиги, фикр эркинлиги, қалб ҳурлиги ғоялари кейинги босқич шеърлятимиз тараққиётида миллатсеварлик, миллатпарварлик йўналишининг ўзак мағзини ташкил этди. Рауф Парфи ижодининг ижтимоий-эстетик моҳиятини, салафларидан, устозларидан, тенгкур шоирлардан фарқланиб турган бадииятининг табиатини белгилаб берди. Чироқ, қуёш рамзли образлар зиммасига шоир чуқур маънолар юклайди. Хусусан, зимистон тун оғушида бўзариб ёнган чироқ хонани, атроф-теваракни шунчаки ёритиб қўя қолмаяпти. У куйиниб, ёзгириб, ёниб куйлаяпти. Чироқнинг ёниши — лирик қаҳрамоннинг севимли орзуси. У одамларнинг дилидаги армонларини, ғамларини, тилининг учида ёнган дардларини сўйлаяпти. Шунинг учун ҳам “Чироқ ёнар — сўнги йўқ ҳасрат”.

Чироқни тинглангиз, одамлар,

Қаршисида эгиб туринг бош,

Сизни куйлар у тонгга қадар,

То навбатни олгунча қуёш.

Чироқни тинглангиз, одамлар.

Рамзли образларга юкланган мазмунни ўқиш унчалик қийин эмас. Тун — мустамлака зулматига чўмган жамият, чироқ — одамлар онги-тафаккурига фикр ёруғлигини элтишга тутинган шоир. Чироқ — фақат сўйла ётгани йўқ. У ҳасратга ботиб куйлаяпти. Демак, одамлар кўнглини янги туйғулар, кечинмалар билан бойитади, поклайди. „Тонг отмоқда, тонг ўқлар отар, тонг отмоқда, куёш замбарак“, сатрлари бевосита 60-йиллардан жамиятда сиёсий вазият ҳийла юмшатишга, одамларга эътибор ортганига, шахс эрки учун отланган курашчан Сўз маънавий ҳаётда тонг янглиғ, Офтоб янглиғ мақомга эриша бошлаганига бир ишорадир. Янги образлар воситасида аёнлашаётган маъно теранлиги ва фикрий қудратдир. [14, 166]

Шунингдек халқ шоирнинг ижодида, инсоннинг руҳоний эркинлиги масаласи ўзак мағзини ташкил этади. Шу боисдан ҳам шоир лирикасида туйғулар ҳаётини, кечинмалар манзарасини ҳолат-кайфиятлар суратини чизиш алоҳида тамойилга айланган. Шу боисдан ҳам уни туйғу-кечинмалар мусаввири дейишади. Шу маънода биргина „Ёмғир эмас, марварид ёғар“ сатри билан бошланган шеърини кўздан кечириш кифоя. Ёмғир — шарқона тасаввурларга кўра — қут-барака, илоҳий неъмат, яхшилик ва эзгулик уруғи. Унга шоирлар ўз руҳоний ҳолатлари, кайфиятларига монанд маънолар юклашади. Яъни, ҳар бир шоир ўз эстетик принципларидан келиб чиқиб, ёмғир воситасида турфа хил бадиий-фалсафий мазмунни ифодалашга интилади. Кимдир ёмғирда ёрнинг кўз ёшларини кўради. Яна кимдир йиғлаётган кўнгилни тасаввур қилади. Бошқа бир шоир шеърда ёмғир булутларнинг, қоп-қора кўнғир осмоннинг ерга йўллаган тансиқ сўзлари бўлиб англашилади. Рауф Парфи тасвирида ёмғир — қоп-қоронғи кеча шаклида. Кеча эса сув сингари жилдираб оқади. Шу боисдан ҳам кеча шод ва беармон кечаётир. Боиси — бағрида сувдек ҳаётбахш ойдинлик, эртанги куннинг ёруғ эпкинни бор.

Баргларда рақс этар шаббода,

Ўйнар сабо шаклида кеча,

Гуллар каби сақлайди одоб,

Афсоналар айтар тонггача.

Кеча тепасида учади Кипригимдан отилгувчи нур.

Менга кеча ёмғир ичида Гўзал хаёл каби кўринур! [15, 186]

Лирик қаҳрамон кечинмалари қоронғу кечада ёғайтган ёмғирга эш. Ундан сурур, умид туяди. Шу маънода, унинг наздида, баргларда рақс этар

шаббода. Ҳатто зимистон қоронғулик ҳам сабо шаклида ёқимли, фарахбахш. Гуллар сингари тонггача афсоналар айтаётгандек туюлади. Шу боисдан ҳам лирик қахрамон кўнглидан шуъла отилади, кипригидан нур чатнайди. Хаёл — адоқсиз бўшлиқ қаъридаги рўё эмас. У ёмғир ичидаги зимистон қоронғулик. Унга ишонса бўлади. Гарчанд, қоронғулик оғушида эса-да, ёмғирдаги ойдин шаббода эпкинни эртага отажак тонглар умидини уйғотади. Кўринадики, тимсолли, мажозий лиризм Рауф Парфи услубининг ўтли нафаси, ўзак мағзи. Давр воқелигига, жамиятдаги ҳодисаларга, инсон шаъни-эркинни, ҳақни оёқ ости этувчи, адолатсизлик кўринишларини юзага чиқарувчи ижтимоий зулмга қарши туғён Рауф Парфи шеърларида туйғулар реализми устивор дейишга асос беради. Рауф Парфи XX аср ўзбек поэзиясида фикр билан кечинманинг синтезини бадиий санъат даражасига кўтарган, соф туйғунинг табиий оқимини, қабарик мажозий ифодасини омукташтирган бетакрор услуб яратди. Бу — XX аср ўрталаридан эътиборан XXI аср ўзбек шеърияти тараққиётида алоҳида йўналиш касб этди. Мустақил бадиий идрок ва ифода маданияти сифатида шаклланди. [16, 196]

Рауф Парфи шеъриятида табиат унсурлари, моддий олам ўз ҳаёти, хаёллари билан яшайди. Хоҳ осмон кенгликлари-ю юлдузларми, хоҳ булутлару офтоб нурларими – барчаси ўз қувончи, ташвиши, дарди-дунёси билан бетакрор қиёфасини намоён этади. Сирли олам синоатларини тушунишга кўмак беради. Табиат образлари кўзимизга сингиб кираркан, кўнглимиздан жой олади. Яна муҳими, табиат деталлари, ранглари, образлари жамиятни, инсонни тушунишимизга кўмаклашади. [17,226]

Ҳар бир шоирнинг шеъриятида ўзига хос рамзий образлар кўплаб учрайди. Ўзбек шеъриятида ҳаёт бадиий рамзлар орқали акс эттирилади ва шу туйғули инсон қалбида эстетик ҳис-туйғулар, ҳаяжонлар, кўтаринки кайфият, раҳм-шафқат, шодлик, қувонч, ғам-қайғу, ҳасрат, нафрат пайдо бўлади.

Маълумки, шеъриятда ўзига хос рамзлари, тимсоллари мавжуд. Улар узоқ даврлардан бўён сайқалланиб, хийла мукамал ҳолига келган. Яна шуниси борки, биронта рамз ё тимсол, биронта сўз бекорга қўлланилмайди. Шеърий матнлар бир қараганда оддийроқ туюлсада, ҳар бир сўзнинг замирида бутун бир тарих, воқеа-ҳодисаларга муносабат бор. Инсон ҳис-туйғу уйғониш жиҳатидан ранглар кўпроқ товушларга ўхшайди. Улар тасаввуримизни табиат сирлари билан бойитибгина

қолмай, турфа ҳис-кечинмаларимизни теран ва таъсирчан ифодалашга ҳам хизмат қилади. Айниқса, шеърлардаги бу хусусиятни улар орқали сўз санъатида қадимдан шаклланган анъанавий рамзий маънолар мисолида кузатиш мумкин. Ўзбек шеърияти таркибида турли объектлар поэтик образ сифатида намоён бўлади ва лирик қаҳрамон кечинмалари, ҳис-туйғуларини ифодалашда хизмат қилади. Шеър матнларида бу рамзлар англатувчи поэтик маъно бевосита турли рамзий маънога яқин. Чунки шоирларнинг бу ранглар билан боғлиқ тасаввурлари шеърий матндаги рамзий маънолар учун ягона манба бўлган. Улар фалсафий, сўфиёна, магик, психологик, шунингдек руҳий-ғоявий рамзий образ сифатида қўлланишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Пардаев З.А. Истиқлол даври шеъриятида ҳалқона пафоснинг янгиланиши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш диссертацияси. Тошкент -2020, Б-4.
2. Мирзиёев Ш. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. www.xabar.uz.
3. Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм. Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: 1994.; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. Тошкент. 1994.; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. Филол.фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.; Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиш жараёни. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 1994; Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. Тошкент: 1997.; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент: 1997.; Мирзаева Д. Ҳозирги ўзбек лирик шеъриятида бадий тафсил. Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент: 1994.; Турдимов Ж. Лирик кечинма табиати. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999.; Хайитов А. 90- йиллар ўзбек лирикасида анъана ва шаклий изланишлар. Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: 2004.; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеъриятининг асосий хусусиятлари. Филол. фан номз ... дисс. автореф.: – Тошкент

4. Пардаев З.А. Истиқлол даври шеърятда ҳалқона пафоснинг янгилиниши. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш диссертацияси. Тошкент -2020, Б-11.
5. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърят. “Адиб” нашриёти, Тошкент., – 2012, Б -11.
6. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърят. “Адиб” нашриёти, Тошкент., – 2012, Б -35.
7. Хасанов Ш. Абдулла Орипов адабий сабоқлари. Тошкент, 2021. <http://uza.uz/posts/249093>.
8. Манзар Абдулхайр. Маъно ва тимсоллар сири. //“Жаҳон адабиёти”, 2008. №8 Б,199.
9. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва Навоий шеърят ҳақида. “Навоий ижод олами” мақола тўплами. ЎЗРФА. “Фан” нашриёти., Тошкент., 2001. Б.8.
10. Манзар Абдулхайр. Маъно ва тимсоллар сири. //“Жаҳон адабиёти”, 2008. №8 Б,199
11. (Ўша мақоладан)
12. Жалололдин Румий. Ичиндаги ичиндадир.- Т.: Янги аср авлоди, 2003.- Б. 16
13. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърят. “Адиб” нашриёти, Тошкент., – 2012, Б -46
14. Зафар Диёр. “Бинафша” Ўзбек замонавий шеърят. 2013. <https://ziyouz.uz/author/davronbek/>.
15. Рауф Парфи.Сакина “Сайланма”. “Муҳаррир” нашриёти. Тошкент, 2013. Б 16-17.
16. Рауф Парфи.Сакина “Сайланма”. “Муҳаррир” нашриёти. Тошкент, 2013. Б 18.
17. Рауф Парфи.Сакина “Сайланма”. “Муҳаррир” нашриёти. Тошкент, 2013. Б 19.
18. Рауф Парфи.Сакина “Сайланма”. “Муҳаррир” нашриёти. Тошкент, 2013. Б 22
19. Маҳмуд Қашғарий. Девону луғотит турк. 1-том.-Т.: Фан, 1960.-Б-357.
20. Эшонкулов Ж. Номоддий маданий мерос ва ўзбек халқ қўшиқларининг тадқиқи масалалари// “Номоддий маданий меросни таълим тизимида татбиқ этиш” Республика илмий-амалий семинар материаллари. Масъул мух: Аҳмедова О.М. – Тошкент; Наврўз-2015. Б-23
21. Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, - Тошкент, 1997, 74-бет.

22. Азим Суюн. Сайланма. Шарқ, - Тошкент, 1997, 108-бет.

23. Хасанов Ш. Абдулла Орипов адабий сабоқлари. Тошкент, 2021.
<http://uza.uz/posts/249093>

24. Ўша мақоладан.

25. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. Т., 1978, 28-29, 37-38 бетлар.

26. Турдимов Ш. Бирнинг минг жилваси. -Тошкент.- Ёшлик.-1987.-№5.-
Б70-71.